



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ФАКТОРИНГ АМАЛИЁТИНИНГ ЖОРЙИ  
ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

Бобобеков Фарход Рустамович  
Ташкент Кимё ҳалқаро университети

**Аннотация.** Ушбу мақолада факторинг амалиётини ҳозирги ҳолати, қолаверса мамлакатимиздаги йирик банкларидан бири бўлган "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ мисолида кўриб чиқдик. Факторинг амалиёти бўйича мавжуд муаммолар, ютуқ ва камчиликлар атрофлича таҳлил қилиниб хулоса ва таклифлар берилди.

**Калим сўзлар:** факторинг, факторинг амалиёти, дебиторлик қарздорлиги, Ҳалқаро Факторинг Ассоциацияси, хўжалик юритувчи субъектлар, тижорат банклари, банк активлари.

ТЕКУЩАЯ СОСТОЯНИЕ ФАКТОРИНГОВОЙ ПРАКТИКИ В КОММЕРЧЕСКИХ БАНКАХ

Бобобеков Фарход Рустамович  
Ташкентский международный университет Кимё

**Аннотация.** В этой статье мы рассмотрели текущее состояние факторинговой практики на примере АКБ "Узсаноаткурилишбанк", одного из крупнейших банков нашей страны. Выводы и предложения были сделаны на основе тщательного анализа существующих проблем, достижений и недостатков в практике факторинга.

**Ключевые слова:** факторинг, факторинговая практика, дебиторская задолженность, Международная факторинговая ассоциация, хозяйствующие субъекты, коммерческие банки, банковские активы.

CURRENT STATE OF FACTORING PRACTICE IN COMMERCIAL BANKS

*Bobobekov Farkhod Rustamovich*  
*Kimyo International University in Tashkent*

**Annotation.** In this article, we reviewed the current state of factoring practice using the example of the Uzsanoatkulishbank, one of the largest banks in our country. Conclusions and suggestions were made based on a thorough analysis of existing problems, achievements, and shortcomings in the practice of factoring.

**Key words:** factoring, factoring practice, accounts receivable, International Factoring Association, business entities, commercial banks, bank assets.

**Кириш.**

Мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланган сари турли хил молиявий хизматларга бўлган ёхтиёж ҳам ортади. Айниқса, тижорат банклари факторинг амалиётини хўжалик юритувчи субъектларнинг дебиторлик қарзини камайтириш воситаси сифатида қарашлари ва ундан кенг кўламда фойдаланишлари лозим. Аммо мамлакатимиз тижорат банклари активлари таркибиға назар солсак, унда факторинг амалиёти деярли кўринмайди. Ваҳоланки, хорижий давлатларда ушбу амалиёт тижорат банкларининг даромад келтирадиган асосий молиявий хизматларидан бири бўлиб, унинг кўплаб турлари ривожланган. Айниқса, хўжалик юритувчи субъектлар факторингни дебитор қарздорлигини камайтириш ва ўзларининг молиявий ҳолатини барқарорлаштириш йўлида фаол фойдаланади.

### **Адабиётлар шархи.**

Факторинг амалиётини жорий ҳолати таҳлилини ўрганиш жараёнида бир қатор олимлар ва факторинг бўйича этакчи мутахассисларнинг фикр мулоҳазаларини ўргандик. Жумладан, Daniela Bonzaninининг фикрига кўра (2023) “дунё мураккаб геосиёсий ва иқтисодий ҳолатнини ҳисобга олган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, факторинг амалиётининг ўсиши 2022 йилда 2021 йилга нисбатан 18,3 % га ошди. Ушбу кўрсаткич факторинг амалиётининг Халқаро Факторинг Ассоциацияси ташкил топгандан бери энг яхши кўрсаткич ҳисобланади”. Шубҳасиз факторинг амалиёти пандемия даврида бироз пасайиш тенденциясига эга бўлди. Халқаро Факторинг Ассоциацияси (FCI 2022) маълумотларига кўра, «2020 йил факторинг амалиёти учун энг оғир йиллардан бири бўлди. Умумий факторинг ҳажми дунё бўйича 6,5%га пасайган. Ассоциация маълумотларига таянсанқ, факторингнинг ўсиш суръатларини 2021 йилда ҳам 2019 йил кўрсаткичларига етказиш имконияти бўлмаган»<sup>70</sup>. Бироқ шуни айтиб ўтиш лозимки, факторинг амалиётини ривожланиши асосан дунё иқтисодиётида нобарқарорлик ёки иқтисодий ўсиш суръатлари пасайгандан факторинг деярли ўсишдан тўхтамайди. Чиндан ҳам дунё миқёсида факторинг ўсиш суръатлари охирги ўн йилликдаги инқирозларда сезиларли пасайиш кузатилмаган. Агар 2019 йилда бошланган SARS-COV-2 пандемиясини ҳисобга олмасак. Сўзимиз исботи сифатида Bogdan ва Ostrouskalarнинг (2017) фикрини келтирмоқчимиз... умумий ҳолда 2004-2010 йиллар факторинг кўлами давлатлар ўртасида жаҳон молиявий инқирози даврида (2008-2009 йилларда) бироз пасайишини ҳисобга олмасак фақат ўсиш суръатларини кўрсатган, хусусан 2010 йилда ички факторинг 20%, ташқи факторинг эса муносиб равишда 34% га ошганлигини кўришимиз мумкин. Охирги ўн йилликда дунё бўйича факторинг ҳажмини ўсиш ҳажми 1,5-2,9 трлн долларни ташкил қилмоқда. Kleppergnинг фикрича (2005), бутун дунёда факторинг кичик ва ўрта бизнес вакиллари учун молиялаштиришнинг ташқи манбаи сифатида тан олинади. Факторинг амалиётининг бошқа молиявий хизматлардан фарқли жиҳати шундаки, кредитор томонидан бериладиган кредит суммаси сотувчи (мол етказиб берувчи) нинг дебиторлик қарзи суммасига боғлиқ, унинг кредит тўлов қобилиятига эмас. Кичик ва ўрта бизнес вакилларини қийнайдиган муаммолардан бири бу жорий ликвидлик билан таъминлаш даражаси ҳисобланади. Зеро кўпгина харидорлар маҳсулотни харид қилгандан кейин уни тўлаб бериш учун 30 кундан 90 кунгача муҳлат сўрайдилар. Бу муддатда сотувчининг ҳисоб-варақаси харидор учун кредиторлик қарзи, сотувчи учун эса маблағни олгунча ноликвид дебиторлик қарзи ҳисобланади.

### **Тадқиқот методологияси.**

Тадқиқот жараёнида факторинг амалиётини мамлакатимиздаги йирик банки мисолида таҳлил қилиб мавжуд муаммолар бўйича унинг ечимларини келтириб ўтдик. Адабиётлар шарҳида иқтисодчи олимлар томонидан факторинг бўйича олиб борилган тадқиқотлари чуқур таҳлил қилиниб ўз фикр ва мулоҳазалар билан бойитилди. SWOT таҳлилида мамлакатимизда факторинг амалиёти кенг ҳолати таҳлил қилиниб керакли илмий ва амалий тавсиялар берилди.

### **Таҳлил ва натижалар мұхоказаси.**

Мамлакатимизда факторинг амалиётининг ривожланиш тенденцияларига баҳо бериш мақсадида “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг 2003 йилдан, то 2020 йилгача бўлган даврдаги маълумотлар таҳлилини амалга оширидик.

Жумладан 2020 йил маълумотларига кўра, банк активлари 48 323 млрд. сўмни ташкил қилган бўлиб, унинг таркибида факторинг айланмаси 1 фоизни ташкил қилган. 2003-2020 йиллар давомидаги таҳлиллар шуни кўрсатдики, (1-жадвалга қаранг), факторинг амалиётининг банк активлари улуши ўзгарувчан бўлиб, пасайиш тенденциясига эга бўлган. Масалан, 2003 йилда факторинг ҳажми 20,5 млрд. сўмни ёки банк активлари таркибида 6,6 фоизни ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткичлар 2020 йилда, мос равишида, 501,9 млрд.сўм ва 1,0 фоиз бўлган. Бундан кўриниб турибдик, банкда факторинг амалиётининг абсолют ҳажми 24,4 марта кўпайган, аммо унинг банк активларидаги улуши кескин камайган.

«Ўзсаноатқурилишбанк» активлари таркибида факторингни улуши 2006 йилда 1,5 фоизга тушиб қолган бўлса, кейинги йилдан ушбу кўрсаткич кўтарила бошлаган. Энг қизиғи, 2008

<sup>70</sup> <https://fcil.nl/en/home/institution FCI Annual Review 2021>

йилги жаҳон молиявий инқироздан сўнг факторинг айланмаси ҳажми кескин ошган, ва 2009 йилда унинг ҳажми банк активларидағи улушида деярли икки баробарга ўсган.

Таҳлил шуни кўрсатдики, факторингнинг банк активларидағи улуши 2014 йилдан бошлаб кескин камайган, бу кўрсаткич 2018 йилда энг қуий нуқтага етиб, 0,1 фоизни ташкил қилган. Ушбу йилда банкда факторингнинг абсолют ҳажми ҳам паст бўлиб, 25 млрд. сўмдан иборат бўлган. Шунингдек, 2018 йилда банкнинг фақат иккита мижози, яъни «Ўзбеккўмир» акциядорлик жамияти ва «Навоийазот» акциядорлик жамияти билан факторинг амалиётини амалга оширган. Ушбу корхоналар банкнинг узоқ йиллик ва юрик мижозлари ҳисобланади. Ваҳоланки, банкнинг кичик ва ўрта бизнес сегментида кўплаб мижозлари бўлиб, улар билан факторинг амалиёти ўтказилмаган.

2020 йилга келиб, банкда факторинг амалиётининг ҳажми кескин ошган, бу 2019 йилга нисбатан 3,4 марта кўтарилган. Лекин ушбу ўсиш ҳам банкнинг маълум доирадаги кам сонли мижозлари ҳисобига юз берган.

#### 1-жадвал

#### «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБда 2003-2020 йилларда факторингнинг банк активлари ва даромадидаги улуши динамикаси<sup>71</sup>

Йил-лар	Банк нинг умумий активлари (млн. сўм)	Банкнинг факторинг айланмаси (млн.сўм)	Факторинг айлан масининг умумий активларга нисбати (%)	Банк нинг умумий даромади (млн. сўм)	Комиссион хизмат лардан олинадиган даромадлар (млн. сўм)	Факторинг даромад (млн. сўм)	Комиссион даромадларнинг умумий даромадга нисбати (%)	Факторинг даромади-нинг умумий даромадга нисбати (%)
1	2	3	4	5	6	7	8	9
2003	311954	20526	6,6	20571	14327	246	69,6	1,2
2004	427681	14456	3,4	24848	19365	202	77,9	0,8
2005	521574	18104	3,5	31303	23099	96	73,8	0,3
2006	683659	9973	1,5	45394	28669	501	63,2	1,1
2007	961591	17950	1,9	65590	38705	245	59,0	0,4
2008	1419284	33964	2,4	84582	52915	188	62,6	0,2
2009	1577023	69730	4,4	102255	57641	3052	56,4	3,0
2010	1904078	77359	4,1	107397	67421	-	-	-
2011	3428995	121951	3,6	139721	88180	1822	63,1	1,3
2012	5012288	144110	2,9	212311	99784	2570	47,0	1,2
2013	6778086	155197	2,3	303467	115088	588	37,9	0,2
2014	7754228	59089	0,8	343226	125440	478	36,5	0,1
2015	8823139	122084	1,4	380504	120998	1318	31,8	0,3
2016	10309008	131079	1,3	466889	146911	1224	31,5	0,3
2017	24306560	148534	0,6	745972	201658	4912	27,0	0,7
2018	31026078	25000	0,1	1359390	255141	1125	18,8	0,1
2019	35846118	144710	0,4	2290730	334039	1465	14,6	0,1
2020	48323845	501942	1,0	3298632	401789	2988	12,2	0,1

Банк ҳисоботида факторинг операцияларидан олинадиган даромад комиссион хизматлардан олинадиган даромадлар таркибиға киритилган. Таҳлил даврининг бошида

<sup>71</sup> <https://sqb.uz/for-investors/reports-and-presentations-ru/> "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ нинг 2003-2020 йиллардаги ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилган.



комиссион даромадлар умумий даромад таркибида 69,6 % ни ташкил қилган ва 2006 йилгача ўсувчи тенденцияга эга бўлган. Бунинг асосий сабаби банкнинг ҳисоб-китоб операциялари, халқаро пул ўтказмалари ва банк кафолатлар беришдан оладиган даромадлари ошган. 2006-2011 йиллар давомида банкнинг умумий даромадида комиссион хизматлардан олинадиган даромадлар улуши кескин ўзгармаган ва ўртacha йиллик кўрсаткичи 61 фоизни ташкил қилган. Ушбу ҳолатда ҳам айтиш мумкинки, комиссион даромадлар банкнинг асосий даромад келтирадиган манбаи бўлиб, бу банкнинг молиявий хизматлари муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади (1-жадвалга қаранг). Аммо 2012-2020 йиллар мобайнида комиссион даромадларнинг банк умумий даромадлари таркибидаги улуши 69,6 фоиздан 12,2 фоизга тушган. Жаҳон тажрибасида комиссион даромадлар тижорат банки даромадининг 30-40% ини ташкил қилса, бу нормал ҳолат ҳисобланади. «Ўзсаноатқурилишбанк»да ушбу кўрсаткичнинг тушиб кетиши сабабларидан бири банк активларида кредит улушкининг ошганлиги, ундан оладинаган даромадлар эса, кўтарилиган. 2-жадвалдан кўриш мумкинки, таҳлил даврида банкнинг активлари таркибида кредитларнинг улуши ўртacha 80% ни ташкил қилган.

## 2-жадвал

**"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ активлари таркибида кредитлар ва  
факторингнинг улушки, %да<sup>72</sup>**

Йиллар	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Факторинг айланмаси	6,6	3,4	3,5	1,5	1,9	2,4	4,4	4,1	3,6	2,9	2,3	0,8	1,4	1,3	0,6	0,1	0,4	1,0
Берилган кредитлар	70	63	63	63	62	71	80	74	66	64	74	80	81	83	84	90	84	81
Банкнинг умумий активлари	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100

Банкнинг факторинг амалиёти ҳисобидан оладиган доромадларининг умумий даромадлар таркибидаги улуши пастлигича қолмоқда. Агар ушбу кўрсаткич 2003-2012 йиллар мобайнида ўртacha 1 фоиз атрофида бўлган бўлса, шу давр мобайнида факторинг ҳажми 7 мартаға ошган. Аммо 2013-2020 йилларда банкни факторингдан оладиган даромадларининг умумий даромадлари таркибидаги улуши пасайиб, ўртacha 0,2 фоизни ташкил қилган. Ваҳоланки, ушбу даврда ҳам банк факторинг амалиётлари ҳажми 3,2 мартаға ошган, аммо банк, умумий активлари ушбу вақтда 9,6 мартаға кўпайған. Бундай тенденциянинг сабаби, банк асосан, йирик ва шу билан бирга, кўп йиллар давомида ҳамкорлик қилган мижозлари билан факторинг амалиётини бажарган. Банк чекланган саноқли мижозлар билан риски жуда паст бўлган факторинг турларини амалга оширган. Бироқ банкнинг бошқа мижозлари ушбу амалиётдан фойдаланмаган.

Мамлакатимизда ҳозирги вақтда кўпгина хўжалик субъектлари факторинг амалиётини ўзларининг дебитор қарзларини камайтириш учун қулай молиявий хизмат эканлигини билишмайди. Шу боисдан, улар банк кредитидан фойдаланишни афзал кўришади. Шунинг учун ҳам республикамизда тижорат банклари факторинг амалиётини ривожлантиришлари учун молиявий хизматлар бозорида уларга қулай шарт-шароитлар яратилиши лозим. Акс ҳолда хўжалик субъектлари банк кредитларига мурожаат қилишади, бу эса, ўз навбатида, факторинг амалиётининг ривожланишига салбий таъсир қиласди.

<sup>72</sup> <https://sqb.uz/for-investors/reports-and-presentations-ru/> "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ нинг 2003-2020 йиллардаги ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Кўйидаги жадвалда банкнинг факторингдан олинадиган даромадининг умумий комиссион даромадлар таркибидаги улуши таҳлил қилинди (3-жадвалга қаранг). Таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, факторингдан олинадиган даромаднинг умумий комиссион даромадлар таркибидаги улуши жуда паст. Шу билан биргага, ушбу кўрсаткич таҳлил қилинган даврда тез ўзгарган ва тебранувчан бўлган, агар 2009 йилда 4,6 фоиз бўлиб, энг юқори даражада бўлган бўлса, 2005 йил ва 2008 йилларда 0,3 фоиз бўлган, холос.

## 3-жадвал

**«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБда комиссион хизматлардан олинадиган  
даромад таркиби динамикаси (%)<sup>73</sup>**

Йиллар	Факторинг	Ҳисоб-китоб операциялари	Хорижий валюталар билин операциялар	Халқаро пул ўтказма ларидан келиб тушадиган даромад	Банк кафолатларини такдим килиш	Аккредитив бўйича операциялар	Менежмент хизматлари	Касса операциялари	Бошқа хизмат турлари	Жами комиссион хизматлардан олинадиган даромад
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
2003	0,9	54,8	2,4	14,7	7,7	4,2	5,4	5,8	4,0	100
2004	0,6	55,5	3,8	13,1	7,1	4,0	4,3	5,8	5,7	100
2005	0,3	60,3	4,8	11,9	6,5	3,6	3,3	4,7	4,6	100
2006	1,2	60,9	4,4	11,3	6,1	3,2	2,9	3,7	6,3	100
2007	0,5	66,7	5,3	10,6	5,7	3,2	2,9	4,1	1,0	100
2008	0,3	66,3	10,7	10,5	4,6	2,2	2,2	2,6	0,6	100
2009	4,6	66,3	14,2	4,3	4,1	2,2	1,7	2,5	0,0	100
2010	-	60,0	13,6	3,7	3,5	1,5	1,6	2,1	1,1	100
2011	2,0	70,3	13,4	3,5	4,0	2,0	1,9	1,6	1,4	100
2012	2,4	70,7	14,0	3,0	2,0	3,1	2,1	2,2	0,5	100
2013	0,5	74,0	9,9	4,2	2,8	2,8	2,8	2,0	1,1	100
2014	0,4	71,0	10,9	6,0	3,6	2,4	2,7	1,6	1,3	100
2015	1,1	77,3	5,8	4,3	4,3	1,1	1,6	3,3	1,3	100
2016	0,8	76,6	7,4	5,6	3,0	1,4	2,3	2,1	0,8	100
2017	2,3	62,2	17,8	7,1	3,1	1,2	2,9	1,5	1,9	100
2018	0,4	69,3	12,0	8,2	0,9	2,3	2,8	1,5	2,7	100
2019	0,4	64,6	16,2	10,1	2,7	2,4	2,0	1,2	0,4	100
2020	0,7	58,8	15,4	10,0	9,0	2,0	2,7	1,2	0,3	100

Факторингдан олинадиган даромаднинг умумий комиссион даромадлар таркибидаги улуши 2020 йилга келиб, 0,7 фоизни ташкил қилган. Таҳлил қилинган 2003-2020 йиллар мобайнида факторинг амалиётидан олинган даромадлар ҳажми 12 баробарга ошган бўлса ҳам унинг банк комиссион даромадлари таркибидаги улуши 1 фоиздан ошмаган. Асосий сабаб эса, комиссион даромадлар таркибида бошқа хизмат турлари, ҳусусан, ҳисоб-китоб операциялари, хорижий валюталар билан операциялар, халқаро пул ўтказмалари ва банк кафолатлари ўсиши бўлган. Мамлакатимизда 2017 йилда бошлаб, валюта сиёсати либераллаштириш билан норасмий валюта бозори ҳажми кескин қисқарди ва банкларнинг хорижий валюталар билан операциялари ҳажми кескин ошди. Ушбу тенденцияни "Ўзсаноатқурилишбанк"да ҳам кузатиш мумкин.

Юқорида айтиб ўтилган муаммолардан келиб чиқиб, тижорат банкларида факторинг амалиётининг SWOT-таҳлилини амалга оширдик.

<sup>73</sup> <https://sqb.uz/for-investors/reports-and-presentations-ru/> "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ нинг 2003-2020 йиллардаги ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Тижорат банкларининг факторинг амалиёти SWOT-таҳлили<sup>74</sup>

Кучли томонлар	Заиф томонлар
Факторинг амалиёти қисқа муддатли кредитлардан ўзининг фоиз ставкасининг пастилиги билан қулади	Банкларнинг ҳаммасида факторингни амалга ошириш бўйича ички норматив-хукуқий ҳужжат ишлаб чиқилмаган
Молиялаштириладиган сумманинг ҳажми бошланғич тўлов ёки гаровга боғлиқ эмас, балки дебиторлик ҳажмига боғлиқ	Факторингдан олинадиган фоиз (дисконт ставка) тижорат банкларининг кредит фоиз ставкаларига боғланган
Сотувчи 50-70 фоиз миқдорида молиялаштирилади. Харидордан тўлиқ суммани олгунча, қолган сумма турли хатарларнинг олдини олиш учун банкда туради	Тижорат банклари факторингни, асосан, йирик хўжалик субъектларига кўрсатиб, кичик ва ўрта бизнес учун деярли хизмат кўрсатмайди
Ҳар бир тижорат банки ўзининг ички «Тартиби»га биноан, факторинг амалиётини амалга ошириш имкониятига эга.	Факторингни амалга оширишда мижозлар ҳақидаги электрон маълумотлар базасининг йўқлиги
Банклар кичик ва ўрта бизнес субъектларига факторинг хизматини кўрсатишни кенгайтириб, уларни фаол жалб қилиши мумкин	Факторинг амалиёти амалга оширилмагани учун банк ходимларида кўнкима ва тажриба мавжуд эмас. Шунинг учун факторингни амалга оширишда малакали кадрлар етишмайди
Факторингни молиялаштириш муддати тижорат банкига ҳисоб-варақаси ёки товар-транспорт юхатлари тақдим қилингани билан қисқа ваqt ичida амалга оширилади	Факторингни регресс хукуқисиз шаклидан ташқари, бошқа турлари амалиётда мавжуд эмас
Тижорат банки факторинг амалиётини амалга ошириш жараённида комплекс хизмат кўрсатиши мумкин	Факторинг амалиёти банкларнинг даромад манбаига айланмаган
Факторингни молиялаштиришда бошланғич тўлов ёки гаров талаб қилинмайди	
Факторингнинг ривожланиши активлар диверсификация даражасини оширади	
Имкониятлар	Таҳдидлар
Мамлакатимиз иқтисодиётида инфляция даражасини пасайтириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. 2023 йил охирида бориб, унинг даражаси 5 фоизга туширилади. Бу эса, факторингни амалга ошириш имкониятини оширади.	Тизимли рискларнинг ортиши ва уларнинг факторинг амалиётига таъсири: валюта төбранишлари, девальвация ва инфляция
Илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда факторинг амалиёти бўйича норматив ҳужжат лойиҳасининг тайёрланиши факторинг амалиётининг ривожланишига хизмат қиласди	Тўлов интизоми яхши бўлмаганлиги учун факторинг амалга оширилгандан сўнг тижорат банки молиялаштирилган суммани харидордан ўз вақтида ололмаслиги мумкин
Факторинг амалиётини янги дастурий программалар орқали ривожлантириши	Глобал пандемия ва унинг оқибатида корхоналарнинг молиявий аҳволи ёмонлашгани
Халқаро миқёсда турли хил муаммоларнинг олдини олиш мақсадида Халқаро конвенциялар УНИДРУА ва ЮСИТРАЛни ратификация қилиш	Яқин МДҲ давлатларида содир бўлаётган сиёсий ҳодисалар ва уларнинг халқаро факторингга таъсири
Ички ва ташқи факторингни ривожлантириш учун тижорат банкларининг халқаро факторинг асоцацияси (FCI)га аъзо бўлиши	Ташқи факторингни амалга оширишда мижозлар оффшор мамлакатларда бўлса, бу ташқи факторинг бўйича рискларни олиб келади: пул ювиш, даромадларни легаллаштириш
Ташқи факторингни амалга оширишда аккредитив очмасдан, балки икки контурли факторинг амалиётидан edifactoring.com электрон тармоғи орқали фойдаланиш имконияти	

Мамлакатимиз тижорат банклари томонидан факторинг амалиётини амалга ошириш ҳолатининг SWOT-таҳлили натижасида қуйидаги хуносалар шакллантирилди:

<sup>74</sup> Ўрганилган адабиётлар ва муаллиф олиб борган тадқиқотлар натижасида тузилди.

- Факторингни амалга оширишдаги кучли томонлар. Мамлакатимизда тижорат банклари факторинг операциялари ҳажми кам бўлишига қарамасдан, унинг кучли томонлари мавжуд. Хусусан, факторинг амалиёти баҳосининг пастлиги, уларни таъминотсиз ва тез олиш мумкинлиги корхоналарни улардан фойдаланишлари учун имкониятни оширади. Айниқса, молиявий маблағларга эҳтиёжи юқори бўлган кичик ва ўрта бизнес субъектлариға факторинг хизматларини кўрсатишни кенгайтириб, уларнинг ривожланишига кўмаклашиши мумкин. Хусусан, факторинг кичик ва ўрта бизнес субъектларини ички ва ташқи бозорга чиқиш; ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш; рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва айланма маблағлар айланиш тезлигини оширишга хизмат қиласди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз тижорат банклариға ўзларининг ички тартиблари орқали факторинг амалиётини амалга оширишга рухсат берилди. Бу уларнинг факторингни амалга ошириш ва унинг янги турларини жорий этишда мустақиллигини оширади.

- Факторингни амалга оширишдаги заиф томонлар. Мамлакатимиз тижорат банкларининг факторингни амалга оширишда заиф томонлари ҳам мавжуд бўлиб, бу ушбу операцияларнинг ривожланишига салбий таъсир қилмоқда. Республикализ банкларига факторинг амалиётини амалга оширишда мустақиллик бериш мақсадида, уни ўзларининг ички тартиблари асосида амалга оширишга рухсат берилганига қарамасдан, кўпчилик банклар бундай тартибни ишлаб чиқмаганлар. Тижорат банклари факторинг хизматларини, асосан, ўзларининг кўп йиллик йирик мижозларига кўрсатишмоқда, кичик ва ўрта бизнес субъектлариға деярли кўрсатишмаяпти. Чунки уларнинг молиявий ҳолатининг барқарорлигига тижорат банклари шубҳа билан қарашади.

Факторингни амалга оширишда мижозлар ҳақида электрон маълумотлар базасининг мавжуд эмаслиги уларнинг молиявий аҳволини тез аниқлаш имконини бермайди. Кўпчилик тижорат банклари факторинг амалиётини амалга оширмаганлари учун ходимларида кўнишка ва тажриба мавжуд эмас. Бу эса, банкларда факторингни ривожлантириш учун ходимлар етишмаслигига олиб келмоқда. Шунингдек, мамлакатимиз тижорат банклари риски юқори бўлган регресс ҳуқуқисиз факторинг шаклини амалга ошириб келмоқдалар. Бошқа факторинг турлари, хусусан, регресс ҳуқуқли, реверсив ва халқаро факторинг, умуман, амалга оширилмаган. Натижада, банкларда факторинг ривожланмай, уларнинг даромад келтирадиган бизнесига айланмаган.

- Факторингни амалга оширишдаги имкониятлар. Мамлакатимизда банк хизматларига бўлган талабнинг юқорилиги тижорат банклари ва нобанк кредит ташкилотлари учун факторинг хизматини кенг жорий қилишга замин яратади. Хусусан, мамлакатимизда замонавий пул-кредит сиёсатининг режими бўлган инфляцияни таргетлашга ўтиб, инфляцияни пасайтириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Натижада, 2023 йил охирига бориб, инфляция даражаси 5 фоизга туширилади. Бу эса, факторинг амалиётини амалга ошириш учун қулай молиявий шароит яратади.

Факторинг бўйича ҳукумат томонидан ишлаб чиқиладиган Фармон мамлакатимизда факторинг амалиётини ривожлантиришга турки бўлади. Ушбу Фармонни тайёрлашда халқаро конвенциялар (УНИДРУА ва ЮНСИТРАЛ)дан фойдаланилса ва улар ратификация қилинса, мамлакатимизда факторингнинг ҳажми кескин ошади. Шунингдек, тижорат банклари халқаро факторинг асоциацияси (FCI)га аъзо бўлса, Халқаро факторинг хизматини кўрсатишда муаммо бўлмайди. Чунки халқаро факторингни амалга ошириш Асоциациянинг маҳсус тизими орқали амалга оширилади. Бу эса, факторинг операцияларини ўтказиш муддати ва хафвсиз бўлишини таъминлайди.

- Факторингни амалга оширишдаги таҳдидлар. Мамлакатимизда факторингнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган муаммолардан бири тўлов интизомининг яхши эмаслиги ҳисобланади. Фикримизча, мамлакатимизда охирги йилларда олиб борилаётган иқтисодиётни либерализациялаш жараёни, жумладан, валюта айрибошлишни эркинлаштириш; ҳўжалик субъектлари солиқ юкини камайтириши; коррупциянинг ҳар қандай кўринишига қарши олиб борилаётган чора-тадбирлар, пировардида, тўлов интизомини яхшилаш учун хизмат қиласди. Тадқиқотларимиз шуни кўрсатмоқдаки, факторинг амалиёти ривожланишига турли хил инқиrozлар катта таъсир ўтказмайди, лекин 2019 йилдаги пандемия ва унинг оқибатлари бутун дунё бўлаб факторингнинг ривожланишига жиддий таъсир ўтказмоқда (Бобобеков, 2021).

Халқаро факторингга таъсир этувчи омиллардан яна бири яқин МДҲ давлатларида содир бўлаётган сиёсий беқарорликлар ва унинг оқибатида келиб чиқадиган тизимли рисклар

ҳисобланади. Хусусан, асосий савдо шерикларимиз бўлган Россия, Украина, Қозоғистоннинг миллий валюталарининг қардсизланиши, уларда инфляциянинг ошиши, айниқса, шерик корхоналар молиявий аҳволининг ёмонлашиши халқаро факторингни амалга ошириш имконини бермайди.

### **Хулоса ва таклифлар.**

Келтирилган таҳлил натижаларидан хулоса қилиш мумкинки, банкни даромадларини янада ошириш учун муҳим манба бу факторинг операциялар ҳажмини ошириш ҳисобланади.

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ томонидан амалга оширилган факторинг операциялари таҳлили натижасида қўйидаги хулосалар шакллантирилди:

биринчидан, банқда факторинг амалиёти ҳажми ва унинг банк активларидағи улуши таҳлил қилинган даврда тебранувчан бўлган;

иккинчидан, факторинг банк даромади ва комиссион даромадлар таркибида паст улушни ташкил қилган ва барқарор эмас;

учинчидан, банк худудий филиалларининг ҳаммаси ҳам факторинг амалиётини амалга оширмаган. Фақатгина нефть-газ соҳасида фаолият кўрсатадиган мижозлари бўлган вилоятларда факторинг амалиёти ўтказилган;

тўртинчидан, банқда факторинг операциялари айнан 2009-2013 йиллар давомида мисли кўрилмаган даражада ривожланган. Бунга сабаб 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирози оқибатларини юмшатиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғриси» (Фармон, 2018)даги ПФ-4053-сон Фармонига асосан, молиявий ҳолати яхши бўлмаган саноат корхоналари нол қийматда тижорат банклари ҳисобига ўтказиб берилган. Тижорат банклари, эса ўз навбатида, мазкур корхоналар дебитор қарздорлигини камайтириш йўлида факторингдан фойдаланишган;

бешинчидан, хорижий банкларда факторинг амалиёти, асосан, кичик ва ўрта бизнес субъектлари билан ўтказилса, республикамизда эса, йирик ҳамда узоқ муддат ҳамкорлик қилган саноат корхоналари билан амалга оширилган. Бунинг асосий сабаби кичик ва ўрта бизнес субъектларининг молиявий ҳолати банклар томонидан қониқарсиз, деб қабул қилингандигидир.

Хулоса, банқда факторинг амалиёти ҳажми ва унинг банк активларидағи улуши тебранувчан бўлган. Банк факторинг операцияларини ўзининг узоқ йиллар давомида ҳамкор бўлган ва кам сонли йирик мижозлари билан амалга оширган. Бу факторинг хизматларидан кўпчилик мижозлар фойдаланмаётганини ва банқда ушбу молиявий хизмат тури ривожланмаганини англатади. Ваҳоланки, хорижий давлатларда факторинг амалиётидан кичик ва ўрта бизнес субъектлари кенг фойдаланишади, бу уларнинг ривожланиши учун молиявий имкониятлар яратади.

### **Адабиётлар/Литература/Reference:**

Bogdan Wtodarczyk, Aleksandra Ostrowska (2017) "The Factoring market in Poland and European Union" Olstyn Economic Journal, 12(3) pp-307-321.

FCI (2022) <https://fci.nl/en/home/institution FCI Annual Review 2022>

Klapper L. (2005). "The Role of Factoring for Financing Small and Medium Enterprises". World Bank Policy Research Working Paper 3593.

Бобобеков Ф.Р. (2021) Ўзбекистонда факторинг амалиётини ривожлантиришда халқаро тажрибанинг роли. – Тошкент: "Илм-фан ва инновацион ривожланиши илмий" журнали, 5-сон. 5-15 б.

Фармон (2018) <https://lex.uz/docs/1409544> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги "Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғриси"даги ПФ-4053-сон Фармони.

Халқаро Факторинг Ассоциацияси (2021, 2022, 2023) расмий сайти: <https://fci.nl/en/home/institution FCI Annual Review 2021>